

**ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМДА КАШТАЧИЛИК САНЪАТИ ТАРИХИ****Мамажонова Гулузро Абдурашидовна**

АндДУ Педагогика институти Информатика ва аниқ фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7158809>

**Аннотация.** Ушбу мақолада каштачилик ва унинг тарихи, уни ривожлантириши, миллий каштачиликни ўргатиши фаолиятини жорий этиши ва ушбу фаолиятни қўллаш жараёнини ўрганишни мақсад қилган. Мақолада каштачилик санъати услуб ва намуналари ҳамда унинг шаклланишига оид турли ёндашувлар илмий асослаб берилган. Шу билан бирга каштачиликдаги безак намуналари, тикиладиган буюм турлари ҳақида баён этилган.

**Калит сўзлар:** санъат, кашта, каштачилик, зардўзлик, безак, миллий хунармандчилик, тикувчилик, ипак, зар ип, сўзана.

**ИСТОРИЯ ИСКУССТВА ВЫШИВКИ В ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ОБРАЗОВАНИИ**

**Аннотация.** Данная статья направлена на изучение процесса вышивки и ее истории, ее развития, внедрения национальной учебной деятельности по вышивке и применения этой деятельности. В статье научно обоснованы стили и образцы искусства вышивки и различные подходы к ее формированию. При этом описываются примеры украшений вышивки и виды вышитых изделий.

**Ключевые слова:** искусство, вышивка, шитье, ювелирное дело, украшение, народные промыслы, рукоделие, шелк, золотная нить, созана.

**HISTORY OF EMBROIDERY ART IN TECHNOLOGICAL EDUCATION**

**Abstract.** This article aims to study the process of embroidery and its history, its development, the introduction of national embroidery training activities. In the article, the styles and examples of embroidery art and various approaches to its formation are scientifically justified. At the same time, examples of embroidery decorations and types of sewn items are described

**Keywords:** art, embroidery, goldsmithing, decoration, national crafts, needlework, silk, gold thread, sozana.

**КИРИШ**

Ўзбек миллий каштачилиги амалий саънатининг энг қадимий турларидан бўлиб, у халқнинг ўз турмушини гўзал қилиш саънати нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам шуҳрат қозонган. Ўзбек халқ усталари билан тикилган кирпеч, сўзана, зардевор, гулкўрпа, чойшаб кабилар. Германия Федератив Республикаси, Бельгия, Америка Қўшма Штатлари, Ҳиндистон, Афғонистон каби хорижий шунингдек мамлакатимизнинг Фарғона водийсида фақат хонадонларда эмас, балки музейларда доимий экспозицияга айланиб қолган. Хозиргача буюмлар ўзига хос гўзаллик, нафис безакларнинг ранг-баранглиги билан кишиларни хайратга солиб келмоқда.

**ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Бадий каштачилик узоқ тарихга эга. Буни археологик топилмалар ва ёзма манбалар исботлаб бермоқда. Ўзбек каштачилиги иқлим, табиий шароит, мухит билан боғлиқ ҳолда барча касб- хунарлари билан биргаликда ривож топган. Каштачилик санъатининг энг қадимийси сақланмаган. XIV-XV асрларга мансуб миниатюралар орқали каштачиликнинг жуда қадимдан ривожланганлигини кўриш мумкин.

Испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихо Амир Темур саройида ўзбек миллий кашта безакларини кўрганини кундалигида ёзиб қолдирган. 1467 йили Камолиддин Бехзод «Зафарнома»га ишлаган. «Темуртахт» да миниатюрасида чодирга ишланган каштани ҳам акс эттирган. XX асрнинг 2 - ярмида тикиш машинасининг ихтиро этилиши каштачилик корхоналарининг вужудга келишига асос солди. Машинада каштачиликнинг кўп ишлаб чиқарилиши уларнинг бадийлигига путур етказди. Қўл кашталари унитила бошланди, лекин айрим хилларигина сақланиб қолди.

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Кашта - безак тури: кўлда ёки машинада белбоғ, дўппи, гулкўрпа, зардевор. кирпеч, палак, сўзана, кўйлак, шунингдек камар, махси ва белбоғча тикилади.

Кашта тикувчи хунарманд - каштачи ёки каштадўз деб аталади. Каштачилик - кашта тикиш касби. Амалий безак санъатининг кенг тарқалган қадимий тури.

Кашта тикиш санъатининг кўп асрлик тарихи бор. Археологларнинг 9-12-асрларга оид топилмалари қадимги рус даврида ҳам кашта бўлганлигидан далолат беради. Бу топилмалар безак гуллари ҳамда зар иплардан тикилган кийим парчаларидир. Қадим замонларда уй-рўзғор буюмларини, атоқли кишиларнинг кийимларини зар тикиб безашган. Кашта тикиш санъати анъаналари мунтазам ривожлана борди. 14-17-асрларда кийимларни, кундалик буюмларни безашда кашта янада кенг қўланиладиган бўлиб қолди. Зар ва кумуш ипларни дур ва чақмоқ тошлари билан кўшиб черков либосларига, подшо ва бойларнинг қимматбаҳо шойи ва бахмал кийимларига кашта тикар эдилар. Рангли ипак ва зар иплар билан тўй сочиқлари, эркакларнинг зиғир толадан тикиладиган юпка байрам кўйлаklarини, рўмолларини безашади. Кашта тикиш асосан таниқли оилаларнинг аёллари ва роҳибаларнинг орасида кенг тарқалган. Кашта тикиш санъати аста секин ҳамма жойларга тарқалди.

18-асрдан бошлаб каштачилик аҳолининг ҳамма табақалари ҳаётига кириб, деҳқон қизларининг асосий ишларидан бўлиб қолди. Уй-рўзғор буюмларидан сочиқлар, дастурхонлар, байрам ва кундалик кийимлар, бешбандлар, бош кийимлар ва бошқа шу кабилар кашта билан безатилган. Одатда бу буюмлар оддий, арзон материаллардан юксак бадий маҳорат билан тикилган. Кашта тикиш усуллари гуллар, рангларнинг мужассамланганлиги авлоддан-авлодга ўтиб такомиллашиб борди. Секин-аста энг яхши кашталар танланиб қолди ва миллий хусусиятлари билан характерли бетакрор кашта намуналари яратилди. Халқ усталарининг юқори касбий маҳорат билан тиккан кашталари, безак буюмларининг чиройли гуллари рангларнинг бир-бирига мослиги, тўла муганосиблиги, бежирим усулларининг аниқлиги билан ажралиб туради. Кашта тикилган ҳар қандай буюм маълум бир азалий вазифани бажаришига тўғри келган. Мамлакатимиз музейларида халқ каштачилигининг кўп намуналари тўпланган. 19-аср кашталари яхши сақланиб, шу кунгача етиб келди. Кашталар деҳқонча ва шаҳарча турларга ажратилади. Шаҳар кашталари доимо Ғарб модаси таъсирида бўлгани учун мустаҳкам анъаналарга бўлинади. Халқ каштачилиги рус деҳқонларининг қадимий урф-одатларига ва маросимларига боғлиқ бўлган.

Кашта - безак санъати тури. Турли рангдаги ип игна, илмоқли бигиз билан турли матолар - трикотаж, чарм, кигиз, картонга кўлда ёки машинада гул - нақш тасвир тикилади. Кашта кийимлар ва буюмларни безашда ҳамда рўзғор безак буюмлари тайёрлашда қадимдан қўлланилади. Кашта, ипак, пахта, жун, зиғир, сунъий толалардан

таёрланган иплар, чойи, зар, сим, чармдан энсиз қилиб тайёрланган тасмаларни тикиб, мунчок, маржон, металл пуляча (зангламайдиган металллардан ўртаси тешиб ишланган доира пластинкачалар), нодир ва қимматбаҳо тошлар, шишалардан ишланган мунчоклар. Ҳар бир халқнинг каштадўзлигида қадимдан ривожланиб келаётган ўз анъаналари, бадий услублари мавжуд. Бездан буюмлари (палак, сўзана, кирпеч, зардевор ва шу кабилар), кийимлар, кичик буюмлар (дастрўмол, ҳамён кабилар) нинг ўзларига муносиб кашта гуллари ва шу кашталарнинг тикилиши, усул ва услублари мавжуд. Ўзбек каштадўзлиги асрлар мобайнида бойиган, ривож топган. Ўзбек кашталарида форс-тожик, қозок, қирғиз, туркман, афғон, ҳинд, хитой, рус каштадўзларининг кашта усул ва услублари учрайди. Ўзбек кашталарида геометрик шакллар, ўсимликсимон нақш гуллари кўп кўзга ташланади. Қозок, қирғиз нақшларида молларнинг шохини эслатадиган элементлар кўп. Рус кашталарида геометрик шакллар, ўсимликсимон гуллар билан бир қаторда қуш, меваларнинг тасвирлари кўзга ташланади. Рус каштадўзлигида ўзбекча ироқи усулига яқин бўлган крест ҳосил қиладиган кашта хили кенг тарқалган.

Кашта тикиш ранг билан чамбарчас боғлиқдир. Ипларни танлашда рангларнинг уйғунлашувини, улар бир бирига қандай таъсир этишини билиш зарур. Агар уч қиррали шиша призмадан оқ нур ўтса, у 7 хил рангга ажралади.

## **МУҲОКАМА**

Кўк, зангори каби ранглар совуқ рангларга киради. Ҳаворанг жумласига кирадиган ранглар осмонни, сувни, музни эслатади.

Иссиқ рангларга сарик, қизил каби ранглар киради. Улар қуёшни, ўт - оловни эслатади. Илиқ ранглар буюмларни катталаштиради, совуқ ранглар кичиклаштиргандай кўрсатади.

Каштачиликда тикиладиган буюмларнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, улар Ўрта Осиё каштачилигида жуда кенг тарқалган. Бездан буюмларининг тури жуда кўп масалан, сўзана, кирпеч, чойшаб, ойнахалта, чойхалта, зардевор, палак, гулкўрпа, дорпеч, бугжом, парда, белбоғ, тақяпўш (ёстик устига ёпиладиган), дўппи, кўйлак, дастрўмол, ҳамён, жойнамоз, сумка, нимча ва бошқалар бадий дид билан матоларга тикилган.

## **ХУЛОСА**

Миллий хунарамандчиликнинг бири бўлган каштачиликни ҳозирги кунда унутилиб кетмаслиги учун, касб хунара коллежларида – тикувчилик йўналишида тахсил олаётган талабаларга каштачиликнинг тарихи, каштачилик буюмларининг турлари, тикилиш технологиялари, фойдаланиладиган асбоб мосламалари ҳақида тушунчалар бериб борилиши зарур.

## **REFERENCES**

1. Бўлатов С.С. Ўзбек халқ амалий-бездан санъати. Ўқув услубий қўлланма. Т. 1991й
2. Хасанов Э. Г, Ақромхўжаева М, Ақромходжаева Р. «Каштачилик» услубий қўлланма, Тошкент-2004 й